



Қ А Р О Р

(апелляция инстанцияси суди)

2022 йил 20 июль

Бухоро шахри

4-2004-2201/564-сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья Н.Зоиров

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья М.Кодирова

Бухоро вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси С.Абдурасуловнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар И.Юлдашев ва М.Кодировадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ф.Рахимованинг котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси вакили [REDACTED] (2022 йил 16 майдаги 375-сонли ишончнома), “Қорақўл нотўқима” масъулияти чекланган жамияти вакили Г.Мамарахимова (2022 йил 10 майдаги 2-сонли ишончнома), “Қорақўл пахта тозалаш” акциядорлик жамияти раҳбари У.Холиқов, “[REDACTED]” акциядорлик жамияти ва “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти вакили [REDACTED] (2022 йил 13 июлдаги 03/01-116-сонли ва 2022 йил 13 июлдаги 01-712-сонли ишончномалар) иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгарлар “[REDACTED]” акциядорлик жамияти ва “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган баённома(битим)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан чиқарилган Қорақўл туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти манфаатида берган апелляция шикояти иш ҳужжатлари билан бирга Бухоро вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (матнда палата деб юритилади) “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти (матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар “[REDACTED]” акциядорлик жамияти ва “[REDACTED]” масъулияти чекланган

жамиятига нисбатан 2015 йил 30 июнда корхоналар ўртасида ўзаро 509 143 107 сўмлик қарздорликни камайтириш тўғрисидаги баённома (битим)ни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Қорақўл туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво муддати қўлланилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. Даъвогардан республика бюджетига 2 700 000 сўм давлат божи ундирилган.

Палата томонидан даъвогар манфаатида суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб берилган апелляция шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиш, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган палата ва даъвогар вакили апелляция шикоятда келтирилган вазларни қувватлаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози эканлигини, биринчи инстанция суди асоссиз равишда даъво муддатини қўллаганлигини, низо билан узвий боғлиқ бўлган Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 4-2002-1902/393-сонли ҳал қилув қарори қонуний кучида эканлигини, мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинишида 2015 йил 30 июнда корхоналар ўртасида ўзаро 509 143 107 сўмлик қарздорликни камайтириш тўғрисидаги баённома(битим) асос қилиб олинганлигини, низоли баённома бўйича жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ҳукми мавжудлигини, даъвогар мазкур ҳукмдан хабардор бўлмаганлигини, иш биринчи инстанция судида кўрилиш жараёнида билганлигини, мазкур баённомадан даъвогар хабардор бўлмаганлигини, суд даъво муддатини нотўғри қўллаганлигини, даъво муддати ўтмаганлигини таъкидлаб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб даъвони қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўрашди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакиллари апелляция шикоятига нисбатан эътироз билдириб, биринчи инстанция суди қонуний ва адолатли қарор қабул қилганлигини, даъвогар низоли ҳолат бўйича тўлиқ маълумотга эга эканлигини, баённомалар даъвогарнинг собиқ раҳбари [REDACTED] томонидан имзоланганлигини, баённомага нисбатан бирор марта эътироз билдирилмаганлигини, даъвогар билан ўзаро қарздорликларни қисқартириш тўғрисида уч томонлама баённома (битимлар) 2016 йил якунига қадар тузилганлигини, баённомадан даъвогар раҳбари хабардор эканлигини, баённомалар трестда уч тараф вакиллари иштирокида имзоланиб, муҳр билан тасдиқланганлигини, тарафлар ўртасидаги низо 2019 йилда бошланиб, бир неча инстанциядарда кўрилганлигини, бирорта суд инстанцияси баённомаларни ҳақиқий эмас деб топмаганлигини, баённомаларни ҳақиқий эмаслиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилмаганлигини, тизим корхоналар ўртасида бундай мазмундаги баённомалар бир неча йиллар давомида тузилганлигини, даъвогар шу баённомаларга асосланиб бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этганлигини. Даъвогар 6 йилдан ортиқ вақт ўтиб баённомани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганлигини, судга даъво қилиш уч йиллик муддати ўзрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини таъкидлаб, даъвогарнинг апелляция шикоятини

ФК 154- моддасининг иккинчи, учинчи қисмига кўра, муайян ижро этиш муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди. Ижро этиш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг апелляция шикоятда ва суд мажлисида келтирган даъво муддати ўтмаганлиги, мазкур баённомадан суддан кўчирма нусха олганда хабар топишганлигини ҳақидаги важлари билан келишмайди.

Чунки, тарафлар ўртасида 2015 йил 30 июнда тузилган ўзаро қарздорликларни қисқартириш тўғрисида баённома(битим) даъвогар раҳбари томонидан имзоланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган. Демак, даъвогар бу ҳужжатдан тузилган вақтдан ҳуқуқи бузилганлигини билган ва билиши лозим бўлган. Даъвогар уч йиллик даъво муддати доирасида 2018 йил 30 июнга қадар судга муурожаат қилмаган.

Қолаверса, иш ҳужжатларида мавжуд 4-2002-1902/393-сонли иқтисодий иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорида даъвогар вакиллари узоқ йиллик фаолиятлари давомида Пахтасаноат тизимида фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар ўртасида ўзаро шартномавий мажбуриятлари юзасидан мавжуд қарздорликлари ихтиёрий уч томонлама баённома(битим) тузиш орқали ҳисокитоб қилиб келинганлиги, бу ҳолатга 2019 йилга қадар эътироз билдиришмаганлигини тасдиқлашган.

Ваҳоланки, ИПК нинг 73-моддаси иккинчи қисмига кўра, иқтисодий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди.

ФК 153-моддасининг учинчи қисмига кўра, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъво ради этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Биринчи инстанция суди жавобгарнинг даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириб, даъво муддатини қўллаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида асосли ҳулосага келган.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг тарафлар ўртасида тузилган уч томонлама баённомалар тузилиши ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари Н.Киличевга нисбатан бўлган жиноят иши доирасида кўриб чиқилиб, суд муҳокамасида баҳо берилганлиги, уларнинг қонунийлиги ўз исботини топганлиги ҳақида келтирган важлари билан келишмайди.

Аниқланишича, Қоракул туман прокуратурасининг даъвогар раҳбари Э.Абдуллаевнинг аризаси юзасидан тўпланган материаллар асосида қабул қилинган 2022 йил 10 июндаги қарори билан” [REDACTED]” АЖ ва “ [REDACTED]” АЖ мансабдор шахсларининг ҳаракатларида бирор-бир жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши

кўзгатиш рад қилинган. Мазкур қарорнинг баён қисмида “ ██████████ ██████████” АЖ раиси ██████████ ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “б”-банди билан жиноят иши 15.02.2017 йилда ЖИБ Бухоро вилоят суди томонидан кўрилиб, судланувчиларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилганлиги, тарафлар ўртасида тузилган уч томонлама баённомалар тузилиши ва бошқа қонун бузилиш ҳолатлари жиноят иши доирасида кўриб чиқилиб, суд муҳокамасида баҳо берилганлиги қайд этилган.

Ваҳоланки, ИПК 73-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар ким томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иқтисодий суд учун мажбурийдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 30 апрелдаги ажрими билан ЖИБ Бухоро вилоят судининг 2017 йил 15 февралдаги ҳукми ва қилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 5 мартдаги ажримининг Н.Киличев ва бошқаларга нисбатан қисми бекор қилиниб, ЖПК 83-моддасининг 1-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилган, жиноят ишининг уларга оид қисми тугатилган. Мазкур ЖИБ суди ҳужжатларида низоли баённомага оид эпизодлар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати апелляция шикоятда келтирилган вазжларни ўрганиб, иш ҳужжатларида ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун ИПК 279-моддасида белгиланган асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (матнда ИПК деб юритилади) 278-моддасининг 1-бандига кўра апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг 1-бандига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур моддасининг еттинчи қисмига кўра, давлат божи тўлашдан озода қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади. Ушбу модданинг 9-бандига кўра ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикояти бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Судлов ҳайъати суд харажатлари ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар манфаатида палата томонидан берилган апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги боис апелляция инстанцияси

